




ТОШКЕНТ




ОҚШОМ

ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 104 (9.296) 1999 йил 6 сентябрь, душанба

Сотувда эркин нархда



БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗГА МУНОСИБ ВОРИС БЎЛАЙЛИК

Халқимизнинг муқаддас эътиқоди - Ислам динига оид бой маънавий-маданий меросимизни асраб-авайлаш, буюк алломаларимизнинг илмий ғоялари ва асарларини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил этиш ва замонавий руҳда ривожлантириш, шу соҳада тадқиқотлар олиб бориш, малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда аждодларимиздан қолган ноёб манбалар асосидаги маълумотлар билан халқимизнинг диний саводхонлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуринда Тошкент Ислам университети ташкил этилган эди. Мазкур Фармонни бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорга мувофиқ, Тошкент Ислам университетининг ислом тарихи ва фалсафаси факультети, фикҳ, иқтисод ва табиий фанлар факультетида бу йил юз нафар талаба тахсил ола бошлади. Шунингдек, университет қошида исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ва академик лицей очилиши ҳам кўзда тутилган.

кани ташкил этилди? Бу саволга жавобни ўтган саккиз йил ичида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳалардаги, аввало мазкур маънавий меросидаги амалий ишларимизда, ҳаётимиз қиёфасини, маъно-мазмунини мутлақо ўзгартираётган ислохотларда топиш мумкин. Миллий ва диний қадриятларимизни, маънавиятимизни қайта тиклаётган, буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини рўёбга чиқариб, ўрганиб, таъбиқ этаётган бир пайтимизда, навбат ушбу олий диний таълим даргоҳини таъсис этишга келди, десак ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Юртбошимиз мана шу оддий фикрни чуқурроқ ва кенгроқ аниқлаш учун «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда» рисолида таъкидланган, ўзбек халқи эътиқодининг мазмунини ифодаловчи, ҳар бири-мизнинг табиатиимизга хос бир хусусиятга эътиборини жалб этди.

Миллатимизни барчамиз учун муқаддас ота-боболаримиз динидан айри ҳолда асло тасаввур қилиб бўлмайди, деди Ислам Каримов. Исламий қадриятлар ва тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингли кетганки, уларсиз биз ўз-ўзимизни йўқотамиз. Ҳоҳ ёш, ҳоҳ кекса бўлсин, халқимизнинг ҳар бир вакили нимагаки муносабат билдирмасин, албатта, уни беихтиёр Яратувчининг номи билан боғлайди. Кеңираётган ҳаётини Оллоҳ субҳанга ва таоло барчамизга берган энг олий нозмат, деб қабул қилади.

Халқимиз, миллатимиз энг оғир синовларни, бошига тушган не-не мушкул азоб-уқубатларни кўрган. Лекин унинг иймони ва иродаси бу-

касида кўрмоқдамиз. Учунчида, ҳозирги вақтда дунёда бир ярим миллиард мусулмон яшаётган бўлса, уларнинг дин соҳасидаги босиб ўтган йўлига, тарихига бир назар ташласак, бизнинг диёримиздан чиққан буюк алломаларнинг ислом назарияси, фалсафаси, маданияти ривожига қўшган ҳиссаси бекиёс даражада улкан эканини кўрамиз. Бу - аллакачон ўз исботини топган ҳақиқат.

Улуғ мутафаккир ва авлиёлар - Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хужа Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Замахшарий каби минглаб аждодларимиз қолдирган меросни чуқур ўрганиш, уни мужассамлаштириб, халқимизга, энг аввало, ёш авлодга ётқизишдек вазифани ўз зиммамизга олиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир, дея таъкидлади Йўлбошимиз.

Тўртинчи асосий мақсад эса, шу олий илм даргоҳида тахсил олган, тарбия топган ёшларимиз ичидан Бухорий, Термизий, Замахшарий, Нақшбандий каби алломалар тайёрлашдир.

Бешинчидан, динни фақат бир ёқлама эмас, балки дунёвий фанлар билан уйғун ҳолда ўрганиб, ўзлаштириб, ҳосил қилган билим ва тажрибалар асосида маънавият ва маърифатнинг юксалишига, диёримиз ва бутун дунёда тинчлик ва оқошталликни барқарорлаштиришга ҳиссамизни қўшиш.

Президент Ислам Каримов ана шу мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида жонбозлик кўрсатаётган инсонларга миннатдорлик изҳор этди. Бу нуфузли диний билим масканининг муаллиму мудarris-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириб боришда юксак маънавият ва маърифатли, миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур эгаллаган, демократик тамойиллар ҳамда фуқаролик жамияти асосларини ҳар томонлама ўзлаштирган, шахсий ва умуммиллий манфаатларни ўзаро уйғун кўра оладиган эркин шахс ва онгли авлод тарбиясининг ўта муҳимлигини ҳисобга олиб ҳамда маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий, устивор йўналиши эканлигини таъкидлаган ҳолда:

1. «Маърифатчилар», «Файласуфлар», «Тарихчилар» жамиятлари, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Камолот», «Нуроний», «Наврўз», «Олтин мерос», Оммавий ах-

борот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш жамғармалари, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ёзувчилар, Бастакорлар, «Тасвирий ойна» уюшмалари, Бадий академия, Хотин-қизлар кўмитаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими, Маданият ишлари вазирликлари каби мақсад ва вазифалари маърифий-маънавий тарбия, тарғибот билан боғлиқ қатор давлат ва нодавлат ташкилотларининг Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини таъсис этганликлари қўллаб-қувватлансин.

Корракалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманларда Маънавият ва маърифат кенашлари ташкил этилгани инobatта олинсин.

(Давоми 2-бетда).

САЙЛОВ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Фарҳод Маликов олиб борди.

Мажлисида дастлаб халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг котиби этиб сайланди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловнинг ўтказувчи юзасидан асосий тадбирларнинг календар режаси тасдиқланди. Шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузиш мақсадида муҳокама қилиниб, шу ҳақда тегишли қарор қабул қилинди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузиш ҳақида

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича сайлов округлари тузилсин

АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ

1-Мақсуд Шайхзода сайлов округи
Маркази — 189-мактаб
Акмал Икромов туманининг бир қисми: С. Юсупов ва Лутфий кўчалари кесиган жойидан С. Юсупов кўчасига бўйлаб Фарҳод кўчасига, Х. Турсункулов кўчасига бўйлаб 14 ва 15-мавзелиарни ажратувчи кўча бўйлаб Лутфий кўчасига, Лутфий кўчасига бўйлаб С. Юсупов кўчасига бўлган чегараларда. (21.6)

сишган жойигача, Москва остонаси кўчаси кесиган жойидан Лутфий кўчасига, Лутфий кўчаси бўйлаб Фарҳод кўчасига, Фарҳод кўчаси бўйлаб М. Шайхзода кўчасига, М. Шайхзода кўчаси бўйлаб, Москва остонаси кўчаси кес-

(Давоми 2,3-бетларда).

Миллий дастур

ШАРҚШУНОСЛИК АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ

Тошкент Давлат шарқшунослик институтига қарашли шарқшунослик академик лицейининг очилиши ёшларимизнинг қувончига қувонч бахш этди. Бу лицей 1992 йилдан бошлаб 309-шарқ тиллари лицейи бўлиб фаолият кўрсатган. Энди, энг уқув йилидан бошлаб у академик лицей номи олд ва шарқ тилларини мукаммал ўрганишни истаган ёшларни ўз бағрига қорлади.

— Қадрлар тайёрлаш жуда ҳам яхши кўраман. Келажакда етук араб тили мутахассиси бўлиш орзуим бор. Шарқшунослик академик лицейдаги ўқиш жараёнида устозларимдан кўп нарсаларни ўрганишни истайман.

Академик лицейда ўқиш уч йил давом этади. Сўнг битирувчиларга шарқ тили мутахассислиги бўйича диплом берилди. Уқувчилар асосан форс, араб, урду, ҳинд тилларини мукаммал ўрганишди. Шунингдек, инглиз, она тили ва адабиёт, тарих, информатика, математика, физика фанлари ҳам чуқур ўргатилади.

Шарқшунослик академик лицейининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Фуломова, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Эркин Эрнарзоров, Фарид Абдурахимов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Шавкат Курбонновлар иштирок этишди ҳамда лицейнинг хоналари, ўрнатилган жиҳозларни кўздан кечиришди.

— Мен 73 балл тўплаб, тест синовидан ўтдим, — дейди талаба Гулчехра Нозимжоева. — Араб тилини жуда ҳам яхши кўраман. Келажакда етук араб тили мутахассиси бўлиш орзуим бор. Шарқшунослик академик лицейдаги ўқиш жараёнида устозларимдан кўп нарсаларни ўрганишни истайман.

Гулзода МАМБЕТОВА.

3 сентябрь куни пойтахтимизнинг Шайхонтохур даҳасида жойлашган мазкур олий ўқув юртининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов иштирок этди.

Ўрта Осиёда ягона Ислам университетининг айнан шу ерда жойлашиши бежиз эмас. Чунки, улуғ ота-боболаримиз - Юнусхон, Шайхи Хованди Тоҳур, Қалдирғочий мақбаралари қад ростлаган бу маскан ҳар бир мусулмон учун азиз ва муқаррам. Шўролар даврида бу зиёратгоҳлар ташландик ҳолатга келиб, вайронага айланган, бу билан халқимизнинг эътиқоди, гурури камситилган эди.

Шу боис ҳам дастлаб давлатимиз раҳбари тантананага тўпланган уламолар, дипломатик корпус вакил-

лари билан биргаликда Юнусхон мақбарасини зиёрат қилди. Шу ерда Йўлбошимиз Тошкент Ислам университетининг ҳурмат китобига биринчи дастхатни битди: «Бундай муқаддас, азиз жойларни зиёрат қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз».

Шундан сўнг Тошкент Ислам университетининг очилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент Ислам университетининг очилиши нафақат мамлакатимиз ҳаётида, балки бутун ислом дунёсида ҳам катта воқеа эканлигини таъкидлади.

Йўлайманки, жамоатчилигимиз, узоқ-яқин қўшилариимиз орасида табиий бир савол туғилиши мумкин, деди Президент. Нима мақсадда бундай исломий билим мас-

канни ташкил этилди? Бу саволга жавобни ўтган саккиз йил ичида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳалардаги, аввало мазкур маънавий меросидаги амалий ишларимизда, ҳаётимиз қиёфасини, маъно-мазмунини мутлақо ўзгартираётган ислохотларда топиш мумкин.

Миллатимизни барчамиз учун муқаддас ота-боболаримиз динидан айри ҳолда асло тасаввур қилиб бўлмайди, деди Ислам Каримов. Исламий қадриятлар ва тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингли кетганки, уларсиз биз ўз-ўзимизни йўқотамиз. Ҳоҳ ёш, ҳоҳ кекса бўлсин, халқимизнинг ҳар бир вакили нимагаки муносабат билдирмасин, албатта, уни беихтиёр Яратувчининг номи билан боғлайди. Кеңираётган ҳаётини Оллоҳ субҳанга ва таоло барчамизга берган энг олий нозмат, деб қабул қилади.

Халқимиз, миллатимиз энг оғир синовларни, бошига тушган не-не мушкул азоб-уқубатларни кўрган. Лекин унинг иймони ва иродаси бу-



Шанба куни Сергели туманида республикамиз суноатини мустаҳкамлашда муҳим ўрни тўтувчи воқеанинг шохиди бўлди — Ўзбекистонда шак бор қувур прокатли мосламалар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

— Қувур прокати ишлаб чиқариш ғояси туғилганига кўп вақт ўтган бўлса-да, энг муҳими, уни ҳаётга таъбиқ этиш керак эди, — дейди янги техно-

логик линия ишга туширилган «Ирмонтажкомплект» Ўзбек-Россия қўшма корхонаси бош директорининг ўринбосари А. Веревокин. — Бизнинг россиялик шеригимиз — Альметьев қувур заводининг кўмаги орқали жуда қисқа муддатларда технологик линия монтаж қилинди. Яқин фурсатда эса биз Ўзбекистон бозорини тўла ўзлаштиришимиз мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, цехнинг очилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Биринчи-

қаришга йўналтирилган ҳам. Шундай қилиб, маҳаллий бозорни тўлдирган ҳолда қўшма корхона маҳсулотларини яқин ва узоқ хориж мамлакатларига ҳам сотиш мумкин бўлади. Учунчида, қувурларнинг ўлчами 15 дан 76 гача, линияга озгина ўзгартиш киритилса, 102 миллиметр гача бориши мумкин, бу демак улардан кишлоқ хўжалиги, қурилиш, ишлаб чиқариш соҳаларида фойдаланиш мумкин. Зеро, қувурлар асосан сув ва газ ўтказ-

Ислохотлар оқимида ЯНГИ МАҲСУЛОТ ТУРИ ЎЗЛАШТИРИЛДИ

гичлар учун мўлжалланган. Шунингдек, бундай технологик линияга ўқаш ишлаб чиқариш Марказий Осиё бўйича мавжуд эмас, бу эса мамлакатимизга минтақада қувурлар прокати бўйича етакчи бўлишга имкон туғдиради. Ишлаб чиқариш қувватлари ҳам буни-н учун имконият беради — 8 соат ичида машиналар 90 тонна, йилига эса 50 минг тонна ҳар хил ўлчамдаги қувурлар чиқаради. Яроқсиз маҳсулот чиқаришга тўлалигича чек қўйилган — аппаратурага махсус дефектоскоп анжоми ўрнатилган бўлиб, у яроқсиз маҳсулотни автоматик тарзда белгилайди. Бу техник назорат хизматидадан воз кечтишга имкон беради, бироқ, шундай бўлса-да, янги цехнинг ишга туширилиши орқали биз 100 дан ортиқ иш жойларини ташкил этишга эришимиз.

Ҳа, шахримизда яна бир фойдали ишга қўл урилди, бироқ қўшма корхона жамоаси ҳозирнинг ўзидаёқ саннат корхоналари учун мўлжалланган катта ўлчамли қувурларни ишлаб чиқаришга қодир иккинчи технология

линияни ишга тушириш ҳақида ўйламоқда.

Ўз муҳбиримиз.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхонанинг янги маҳсулотлари.

Рустам Шарипов олган суратлар.

